

## ХЕМИНГУЭЙ ҲИКОЯЛАРИДА МЕТАФОРИК ТАЛҚИН

*Қандилат ЮСУПОВА*

*Ренессанс таълим университети*

*Педагогика-филология кафедраси*

*катта ўқитувчиси*

*E-mail: [kandilat@mail.ru](mailto:kandilat@mail.ru)*

### Аннотация

Мазкур мақолада Эрнест Хемингуэй ижодига мансуб “Оқ филларга ўхшаш тепаликлар” ҳикоясида рамзийликнинг акс этиши бўйича илмий изланиш олиб бордик. Маълумки, Америка адабиётининг йирик вакилларида бири Хемингуэй аксарият асарларида, ҳоҳ у катта роман бўлсин, ҳоҳ кичик асар бўлсин, барчасида турли рамз ва мотивлардан моҳирлик билан фойдаланган. Айниқса, адиб яратган машҳур ҳикояларида бу анъана яна-да кўпроқ кўзга ташланади. 1927 йили ёзилган “Оқ филларга ўхшаш тепаликлар” ҳикояси ҳам рамз ва деталлар, қаҳрамонларнинг лирик психологияси, трагик исёнлари, руҳий изтироблари ҳамда контраст характерлари билан ўқувчи онгига тез муҳрланиб қолади. Хемингуэй бу ҳикоясида ҳам табиат ва инсон руҳияти ўртасидаги воситасиз ҳармониядан моҳирлик билан фойдаланади, тоғлар, дарё, кушлар, дарахтлар образлари орқали ҳам қаҳрамонлари характерини ёрқин тарзда очиб беришга муваффақ бўлади.

Ўзбек адабиётида Хемингуэй асарларининг аксари қўл урилмаган мавзу бўлиб қолмоқда. Шу боисдан ҳам биз америкалик машҳур адиб ижодини, айниқса, ёзувчининг бир-биридан таъсирли ҳикояларини таҳлил этишга киришдик. Ўйлаймизки, бу каби таҳлилий мақолалар Э.Хемингуэй ижодини очиб беришда, унинг асарлари моҳиятини ўзбек аудиториясига етказиб беришда, турли илмий-танқидий асарлар яратишда кўмакчи манба бўлиб хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** *ҳикоя, табиат, Хемингуэй, образ, мотив, асарлар, оқ филлар, таҳлил этмоқ, тепаликлар, станция, ифодамоқ, тасвир*

**Кириш.** “Оқ филларга ўхшаш тепаликлар” (“Hills White Elephants”) ҳикояси Эрнест Хемингуэй томонидан 1927 йил август ойида АҚШдаги адабий журналлардан бирида, кейинроқ “Аёлларсиз эркеклар” (“Men Without Women”) тўпламида нашр этилади. Ҳикояда Мадридга кетадиган поездни кутиш жараёнида кечган америкалик йигит билан ёш жувон ўртасидаги суҳбат акс эттирилган. Аёл узоқдаги тепаликларни оппоқ филларга ўхшатади. Эркек эса жувоннинг қорнида энди пайдо бўлган ҳомилани аборт қилдириш учун операция ўтказилиши лозимлигини тинмай таъкидлайди. Асар бошдан-охир турли рамзларга тўла, улар табиат, ҳайвонлар, турли шакллар, ранглар, исмлар ва ҳолатлар билан боғланиб кетади. Табиат орқали ифодаланган рамз бу – тепаликлар ва дарахтлар орқали, ҳайвон оқ филлар, вазият эса тунги клуб ва ёшлар ичимлик ичаётган кичик бар орқали акс этади.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Эрнест Хемингуэй асарлари бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Айниқса, рус олими И.А.Кашкин, америкалик олимлар Томас Стричакс, Паул Смит, Элен Жозеф, Сити Ҳасанах Наинголан, малайзиялик олим Ҳолид Аҳмад Хмуод Ал Амро таҳлил этган мақола ва илмий ишлар анча диққатга сазовордир. “Оқ филларга ўхшаш тепаликлар” ҳикояси бўйича кичик изланиш олиб борилган чоғда, бир нечта олимлар фикри ўрганилди ҳамда мақолада келтирилди.

### **Тадқиқот методологияси.**

Мазкур мақола ёзиш жараёнида қиёсийтаҳлил олиб борилди. Бир қанча диссертациялар, илмий ишлар, мақола ва қўлланмалар ўрганиб чиқилди. Мавзунинг янгилиги, ҳали ўзбек адабиётида Э.Хемингуэй асарларининг етарли тарзда тадқиқ этилмагани боис ёзувчининг бу ҳикояси ҳам таҳлил этишга лойиқ деб баҳоланди.

### **Таҳлил ва натижалар.**

Ҳикоя ғоясининг туғилишига сабаб бўлган омиллардан бири, ўша давр адабиётчиларининг фикрига кўра, Америкада бебошлик билан норасмий оила куриб, сўнг ҳеч қанча вақт ўтмай ажрашиш ҳоллари ва бу ажрашув оқибатида туғилмаган болаларнинг аборт қилиниш муаммоси авж олган эди. Худди шу жараёни Испания ва Парижда ўз кўзлари билан кўрган Хемингуэй навбатдаги ҳикоясини яратишга жазм қилади.

Ҳикоя қуйидагича бошланади:

*“Эбро<sup>1</sup> водийси бўйлаб оппоқ, узун тепаликлар чўзилиб кетганди. Бу тарафда на бир соя, на бир дарахт кўринмас, бекат эса офтоб тигида икки темирйўл ўртасида мунгайиб*

---

<sup>1</sup> Ўртаер денгизига қуйиладиган Испаниядаги дарё номи

*кўринарди. Бекатнинг бир ёгининг нешма-неш тарафида илиққина кўланка тушиб турарди, бамбук маржонларидан ясалган парда бар ичкарасига кириладиган очиқ эшик юзига осиб кўйилган, эҳтимол паишлар кирмаслиги учун ҳам шундай восита ўйлаб топилгандир. Бино ташқарисида америкалик бир йигит билан қиз салқинда, стол атрофида дам олаётгандилар. Кун найзага келган пайт эди, Барселонадан келувчи тезюрар поезд келишига ропна-роса қирқ дақиқа вақт бор. Поезд бу ерда бир-икки дақиқа тўхтайдими-ю, яна Мадридга қараб равона бўларди”. [1, 5-6]*

Ҳикоянинг илк жумласида Эбро водийсининг тилга олинishi бежизга эмас, сабаби, бу водийнинг ўзига хос чуқур рамзий маъноси бор. Шундай талқин этиладики, Эбро водийсининг икки ёни худди ҳаётда аросатда қолган инсоннинг икки йўл, икки танлов орасини ифодалар экан. Асар қахрамонлари Жиг ва унинг қайлиғи бўлган йигит ҳаёти ҳам айна дамда икки йўл орасида, улар ҳомиладор бўлиб қолган Жигни аборт қилиши ёки қилмаслиги бўйича тортишади, бирининг фикри иккинчисиникига мос келмай, узоқ баҳслашадилар. Жиг боласини асраб қолмоқчи, у узоқдаги оппоқ тепаликларни гўё оқ филларга ўхшаб кетишини айтади, бу ерда муаллиф қизнинг ҳали сўнмаган орзу-умидларини, улар олисда, жуда қўл етмас бўлиб туюлса-да, лекин ҳали омон эканлигини китобхонга уқтириб кетмоқчидай бўлади. Ҳикояда кўп бора тилга олинган баланд тепаликлар ва уларнинг оқ филларга ўхшатилишининг рамзий хусусияти бўйича ҳинд тадқиқотчиси, адабиётшунос Сити Ҳасанаҳ Наинголан шундай деб ёзади:

“Табиатда тепаликлар юқори чўққини ёки юксак жойни ифода этади. Энг баланд чўққи эса ҳаётда яна-да яхшироқ бўлган нарсага эришиш истагини ва бунинг учун инсондан катта жасорат ва меҳнат талаб этилишини англатади. Бошқа тарафдан олиб қараганда, юксак тепаликлар юксак унвонни, юксак мартаба ёхуд юксак маошни ҳам билдириши мумкин. Хуллас, тепаликларнинг рамзий маъно-мазмунининг чек-чегараси йўқ. Албатта, энг баланд чўққини инсон шубҳасиз, улкан шижоат ва матонат билангина забт эта олади. Шу билан бирга кўпинча ҳаёт-мамотига тенг келадиган таҳликали таваккал билан ҳам тўқнаш келади. Худди шу каби, фил жонзоти бу ҳикояда бежизга танлаб олинган эмас, маълумки, фил ўта кучли, бардошли ҳамда муваффақиятли ҳайвон ҳисобланади. Ёзувчи қахрамонининг тилидан оқ филлар номини кўп такрорлатишига сабаб – одатда, филлар ҳар қандай мусибатни, кўркинчли вазиятларни осонгина енгиб ўта оладилар, улар азал-азалдан туганмас куч-қувват рамзи бўлиб ҳисобланади. Фил портретининг ҳикоядаги ҳолат билан боғланиб кетишида ёзувчи асардаги муаммоли вазиятни ижобий тарафга ҳал этилишига умид қилмоқда, қахрамони Жигнинг юракдан истаган орзусини саробга айланишини истамайди”. [2]

Аксар асарларида бўлгани каби, мазкур ҳикояда ҳам Хемингуэй қисқа, оддий жумлалардан фойдаланади. Китобхон бир қарашда ҳикоя мазмунини жуда осон илғайди, бироқ ундаги рамзлар, ҳар бир воситанинг ишлатилиш сабаби ва моҳиятини ҳикояни бир ўқишда дарҳол тушуна олмайди. Бу кичик ҳикоя ёзувчининг яна бир қарра ирония, рамзлар, ритмик тил, диалоглар, ички психологиянинг очиб бериш борасидаги маҳоратини яққол кўрсатиб берди. Хемингуэй услубига кўра, асарлардаги воқеалар, асосан муаммолар, диалоглар орқали очиб берилади, асар қаҳрамонлари ўртасидаги суҳбат тобора авж этиб бораркан, улар юзлашган муаммоли вазият ҳам шунчалар кенг очиб борилаверади.

*- Азизам, ҳозирам уларни яхши кўряпман. Яхши кўряпману, бироқ айна вақтда улар ҳақда бош қотиролмайман. Юрагимга қил сизмаяпти ўзи, кўриб турибсан-ку.*

*- Операция қилдирсам, юрагинг ёзилиб кетадими?*

*- Иккаламиз ҳам жуда енгил тортамиз. Операцияндан кўнглим тинч, негаки хамирдан қил суғургандек оппа-осон иш.*

*- Ундай бўлса, розиман. Чунки мени ўзимга раҳмим келмайди. [1, 7-б ]*

Юқоридаги суҳбатдан маълумки, қиз иттифоқо ҳомиладор бўлиб қолган ва у ўзининг жигарпорасидан воз кечишни қатъий истамаяпти, бироқ йигитга у бор-йўғи кераксиз муаммо, ёқимсиз бошоғриқ бўлиб турибди ва у бу гўдакни тезроқ йўқ қилиш ниятида. Икки ёшни бирлаштирган нарса бу уларнинг юзаки ҳиссиётлари, вақтинчалик эҳтирослари эди. Пировардида, қиз буни аёллик қалби билан зийраклик ва кучли алам билан илғади, шунинг учун унинг айна чоғдаги психологик ҳолати тетик эмас, у чуқур изтироб ичида ўртанмоқда. Охирги жумлага диққат қилинг: “*Чунки мени ўзимга раҳмим келмайди*”. Ҳаётда фақат энг сўнгги ва порлоқ орзусидан жудо бўлган, қилчалик умиди ҳам қолмаган кишиларгина ана шундай оғрикли хитоб айтади. Улар учун ҳаёт, тириклик, яшаш, бахт – ҳаммаси сароб орзулар. Негаки инсоннинг энг ардоқли тилаги барбод этилган.

Хемингуэй талқинича, ёзувчининг ижоддаги роли майда бўлмаслиги лозим, яъни у ҳар бир образ ва характерга алоҳида тўхталиб, ҳадеб изоҳ бериши ноўрин услуб. Шу сабабдан ҳам Хемингуэй ҳар бир асарида ўз сўзини ўзгалар, тўғрироғи, қаҳрамонлари тили ва ҳолатидан туриб баён этади ва бу баёнчилик ўқувчи онгига зериктирмасдан, чўчитмасдан енгил кириб бора олади.

“Оқ филларга ўхшаш тепаликлар” ҳикоясида диққатга молик яна бир лавҳа бор. Ёшлар янги Анис ичимлигидан тотиб кўришни истайдилар.

*- Ва мен манави янги ичимликданам тотиб кўришни хоҳладим: Демак, топган бахтларимиз шу – нарсаларга термулиб ўтиришу янги ичкиликлардан ҳўлаб кўриш, шундайми?[1, 6-б ]*

Мазкур жумладан ҳис қиламизки, қизнинг жамиятга, уни ўраб турган муҳитга нисбатан кучли антипатия мавжуд. Сабаби, ёш аёл вужудида эндигина пайдо бўлган жон парчасидан жудо бўлишни ҳечам истамайди ва айна пайтда уни жудо қилувчи омилларни, инсонларни асло кечирмайди! У учун бахт аслида ана шу. Бироқ у ҳаётини, номусини ишониб топширган эркак ҳаёли, дунёқараш, ҳис-туйғулари мутлақо бошқа. У аёл қалби гармониясини ҳис этиши анча даргумон, чунки унинг ҳаётга қарашлари умуман қизниқидан фарқ қилади. Мана аёлнинг чуқур изтироблари билан беғубор орзулари омухталашган сониялар:

*Қиз ўрнидан турди, бекатнинг нариги четига қараб битта-битта босиб кетди. Бекатнинг сўл ёғида дон далалари ёйилиб ётар, Эбро қирғоқлари бўйида эса дарахтлар солланиб турарди. Узоқ-узоқларда, дарёнинг ортида тоғлар мағрур бўй кўрсатарди. Бир парча булут кўлкаси дон даласи устидан сузиб ўтди, қиз дарахтлар орасидан дарёга тикилганча ғамгин турарди.*

*- Шуларнинг бари бизники бўлиши мумкин эди, - деб пичирлади у. – Ана шуларнинг ҳаммаси. Биз-чи, биз нима қилдик, ҳар қуни ўзимизни улардан бирма-бир жудо қилавердик. [1, 8-б ]*

Йигит қизга жавобан лом-мим демайди, негаки унинг ички оламида ҳаммавақт бошқа, худбинона бир жараён кечади. Аёл буни яхши идрок этиб туради, аммо чор-ночорлигича яшашга маҳкум. У учун энди олдга ҳам, ортга ҳам йўл қолмагандек. Бутун келажаги, тақдири ана шу эркак қўлига маҳкам қилиб боғлаб қўйилгандек.

Ёзувчи бу ҳолатларнинг ҳеч бирини муаллиф изоҳи билан ўқувчига қўшимча аңлатмайди. У ҳикоянинг ҳеч ерида муаллифнинг ортиқча аралашувиға йўл қўймайди. Ана шуниси билан ҳам Хемингуэй ҳикоялари қизиқарли, сирли ва мазмунли. Бир ўқишда жудаям жўн, тили содда ўкиладиган бу ҳикояларнинг тубида бир нечта тадқиқотга мавзу бўла оладиган мисоллар, ҳолатлар бисёр. Малайзиялик олим Холид Аҳмад Хмуд Ал Умро таҳлилиға кўра ёзувчи ҳар бир рамзни ҳикояда кўтирлаётган мавзунини ёритиб бериш ва кучайтириш учун фойдаланган. Шунингдек, асарда ишлатилган ҳар бир рамз орқали йигит ва қизнинг ботинидаги севгининг қай даражадалиги ҳам очиб берилган. [3, 5-б]

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, биз юқорида изоҳлаб кетган Э.Хемингуэйнинг “Оқ филларға ўхшаш” тепаликлар ҳикоясидаги рамзийликни биргина кичик мақола орқали етарлича таҳлил этиб бўлмайди. Ушбу рамз ва образларға бой ҳикоя устида яна бир қанча тадқиқот ва таҳлиллар ўтказса арзийди. **Ҳикоядаги рамзийлик, образлар ҳолати, қаҳрамонлар диалоги яна бир қатор мақола, изланишлар, таҳлиллар талаб этади. Уларни яна-да чуқурроқ**

таҳлил этиб ўрганса, яна янги-янги қирралари кашф этилади. Айниқса, ўзбек олимларимиз томонидан Хемингуэй ижоди ҳар тарафлама ўрганилса, бу соҳага бир гуруҳ тадқиқотчилар ўз ҳиссасини қўшса натижа биз кутгандан-да аъло бўларди.

### АДАБИЁТЛАР

1. Hemingway, Ernest. "The Complete Short Stories". NY. Scribner's. 1987. p.168
2. Siti Hasanah Nainggolan. "The Analysis of Symbols in Ernest Hemingway's Hills Like White Elephants". Reg.number: 140721016. Universitas Sumatera Utara. Medan, 2016.
3. Khaled Ahmad Hmuod Al Amro. "Dialogue and Symbolism in Hemingway's The Old Man and The Sea (Dialogue) and The Hills Like White Elephants (Symbolism)". Journal of Literature, Languages and Linguistics. 2019. Vol.60. p.5.